



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 21 июль, № 149 (8492)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПРЕЗИДЕНТ ТОШКЕНТДАГИ ИНФРАТУЗИЛМА ЛОЙИХАЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 июль куни Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Сўнгги йилларда "Tashkent city" мажмуасида улкан иншоотлар барпо этилди. Айни пайтда унинг "Пахтакор" метро бекати тарафида йирик савдо маркази қурилмоқда. Давлатимиз раҳбари бу ерда бўлиб, пиёдалар ва автомобиллар учун яратилган шароитлар билан танишди. Келгусида ҳаракат янада кўпайишини инобатга олиб, Ботир Зокиров ва Навоий кўчалари кесиммасида йўл-кўчма қуриш, пиёдалар йўлакларини қўлайлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Навоий, Ойбек, Нукус кўчалари бўйлаб юриб, йўллардаги шароитни кўздан кечирди, одамлар билан суҳбатлашди.

Транспорт инфратузилмаси билан боғлиқ яна бир лойиҳа — Тошкент халқаро аэропорти ёнидаги кўприк. Автомобиллар қатновига қўлайликни ошириш мақсадида у кенгайтирилиб, қўшимча эстакада қурилмоқда. Унинг узунлиги 650, эни 30 метр бўлади. Айланма шаклидаги чиқиш-тушиш йўллари қайрилиб олиш хавфини йўқотиб, ҳаракатни осонлаштиради. Президентимиз бу ердаги қурилиш жараёнини кўриб, атрофни кўкаламзорлаштириш, манзарали дараклар экиш кераклигини айтди.

Бу аэропортнинг умумий майдони 693 гектар. Лойиҳага кўра, унда 4 километр узунликдаги учиш-қўниш йўлаги, замонавий терминаллар, самолётлар учун ангар ва перронлар бўла-

ди. Аэропорт ноқулай об-ҳаво шароитларида ҳам учиш-қўнишни таъминловчи "ICAO III-A" тоифасидаги замонавий радиотехника ва метеорология асбоб-ускуналари билан жиҳозланади. Бугунги кунда учиш-қўниш йўлаги ва юқори мартабали меҳмонлар терминали биноси барпо этилган. Президент уларни кўздан кечирди. Галдаги қурилиш ишларини молиялаштириш, терминалнинг ташқи кўрилиши ва делегациялар учун қўлайликларни қайта кўриб чиқиш бўйича топшириқлар берди.

Ў.А.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Каттақўрғон туманининг Бўстон ҳудудида лойиҳа қуввати 220 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясининг қурилиш ишларига киришилди.

Қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши бошланди

Бирлашган Араб Амирликларининг "Abu Dhabi Future Energy Company — Masdar" компанияси томонидан қурилаётган ва 438 гектар жойни эгаллаган қуёш лойиҳасининг умумий қиймати 150 миллион долларни ташкил этади. 2023 йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган мазкур иншоот "Иштихон" ПСГА уланади ва йилига 520 мил-



лион кВт/с электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

«Янги Ўзбекистон» массиви замонавий шаҳарчага айланади

Поп туманида жойлашган табиати сўлим Ғурумсарой қишлоғида барпо этилаётган «Янги Ўзбекистон» массиви аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратилган замонавий шаҳарчага айланади. Бойси ушбу массивда янги шаҳарча лойиҳасини яратишда тураржой бинолари қаторида ижтимоий инфратузилма иншоотлари, яшил майдонлар барпо этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган.



Ўтган йили бу ерда дастлабки кўп қаватли тураржой бинолари битказилиб, 100 дан зиёд оилалар шимна хонадонларга кўчиб қирган эди. Кўни кеча массивда навабдаги ижтимоий объект — мактабгача таълим ташкилотининг уч қаватли замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Богчаннинг лойиҳа қиймати 10,2 миллиард сўм бўлиб, таълим муассасасида 360 нафар келажагимиз вориси мукамал тарбия олиши учун етарли шарт-шароитлар яратилди.

Айни жараёнда иккита умумтаълим мактаби биноси, ичимлик ва оқова сув тармоқлари тортиш, йўл чиқариш тадбирлари белги-ланган ҳаётда асосида давом эттириляётган. Шу кунларда 50 қатновга мўлжал-

ланган оилавий поликлиника биносини қуриш ишлари ниҳоясига етказилди.

Ғурумсаройнинг ҳам яшаш, ҳам ишлаш учун қўлай масканга айланаётган тураржой даҳасида асосий бино ва иншоотлар ҳамда инфратузилма тармоқларини жорий йил охиригача тўлиқ фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Шу тариқа яна 12 та кўп қаватли уй битказилиб, 240 оила янги уйда хонадон тўйларини ўтказди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).

Юз минг нафарга яқин аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди



Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил этилган мобил поликлиника шифокорларининг Хатирчи туманидаги Олтинсой қишлоғига ташрифида 400 дан зиёд аҳоли учун чуқурлаштирилган профилактик тиббий кўриқ ташкил этилди.

— Тиббий кўриқ натижа-ларига кўра қишлоқ аҳли-нинг 87 нафаридан турли хасталиклар аниқланди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиги ўринбосари Орзугул Аъзамова. — Уларнинг беш нафарига ихтисослаштирилган тиббий муассасаларида, 19 нафарига эса туман тиббий бирлашмаси шифо-хоналарида даволаниши учун йўлланмалар берилди. Шунингдек, қолган 63 нафар фуқарога эса қишлоқдаги оилавий поликлиника-да муолажалар тайинланди.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стра-

тегиясига мувофиқ шу кун-га қадар вилоят бўйича юз мингга яқин аҳоли чуқурлаштирилган профилактик тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг юз нафаридан кўпроғида мураккаб жарроҳлик амалиётлари бажарилди. Қизилтепа туманида эса мазкур тадбир доирасида жорий йилнинг ўтган даври-да 18 — 40 ёш оралиғидаги 57 минг аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш режаси ишлаб чиқилган. Айтиш жоизки, бу каби тадбирлар вилоятнинг бар-ча ҳудудида ўтказилаётган.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияларида

ГАЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи ва унда белги-ланган устувор вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар даври

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг йиғилишида таъкидланганидек, шу йилнинг 14 июль куни мамлакатимиз тараққиётида янада юксак босқич бошланган кун сифатида тарихга муҳрланди. Бойси тантанали маросимда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, Ўзбекистон учун келгуси йиллар сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар даври бўлишини қайд этди. Хусусан, тадбиркорлик учун янада қўлай имкониятлар яратилиб, янги-янги иш ўринлари очиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш,

ёшлар ва хотин-қизларни замонавий касб-хунарларга ўқитиш, уларнинг бандлигини ошириш эътибор марказида бўлади, камбағалликни қисқартиришга қаратилган ишлар янги босқичга олиб чиқиладди.

Муҳим масалалардан яна бири — "яшил иқтисодиёт", "яшил энергия" тамойиллари янада кенг жорий этилиши билан бирга, иқтисодиётимизга киритилаётган инвестициялар ҳажми бир неча баробар оширилади.

Партиянинг асосий электорати саналган — тадбиркорлик янада кенг қулоч ёзишидан манфаатдор ишбилармонлар, фермерлар учун яқин истиқболда имтиёзлар, енгилликлар бериш сиёсати изчил давом эттирилади.

Муносабат

Айтиш жоизки, нутқда белгиланган вазифалар изчил амалга оширилгач, ютуқларимиз янада салмоқли бўлади. Аммо ушбу вазифалар ўз-ўзидан бўлиб қолмаслигини ҳам теран англаймиз. Яъни бунинг учун, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Халқимизнинг бизга билдирган юксак ишончи барчамиздан — депутат ва сенаторлар, вазир ва ҳокимлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарларидан, ҳар бир юртдошимиздан белимизни янада маҳкам боғлаб, аввалгидан икки-уч қарра кўпроқ гайрат ва шижоат билан ишлашни талаб этади".

Ҳақиқатан ҳам бугунги кун учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, улкан натижалар зарур. Шундангина у том маънода янги даврга айланади.

Ўзбекистоннинг кейинги ривожланишида янги-янги иш ўринлари очиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, ёшлар ва хотин-қизларни замонавий касб-хунарларга ўқитиш, улар бандлигини таъминлаш асосий эътибор марказида бўлади. Айни чоғда, аҳолининг эътиёжманд қатламлари, ноғиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган ишларни янги босқичга олиб чиқиш устувор вазифа ҳисобланади.

Ў.А.

КЎРФАЗ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ — УЛКАН ИМКОНИАТЛАР МИНТАҚАСИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг бош мақсади давлат мустақиллиги ва суверенитетини, халқаро майдондаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, республиканинг ташқи иқтисодий манфаатларини фаол тарзда илгари суришдир. Шу маънода, Ўзбекистон мусулмон дунёси давлатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни иқтисодий, транспорт коммуникацияси, молия, инвестиция ва сайёҳлик соҳаларида фаол ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан ҳам манфаатдор. Улардан бири Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши (КАДҲК)дир.

Нуктаи назар

Муштарак кадриятлар — дўстона алоқаларга пойдевор

Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши охириги йилларда дунёда аҳамияти тобора ошиб бораётган муҳим минтақавий ташкилотлардан бирига айланди.



Иқтисодиётдан тортиб молиягача, хавфсизликдан тортиб ягона мудофаа сиёсатини таъминлашга қаратилган иш фаолиятининг унинг таъсирчан уюшмалардан бирига айланишининг бош омилдир. 1981 йилда ташкил топган ҳамкорлик кенгашига аъзо давлатлар турлича қараш ва манфаатларга қарамай, тўлақонли иттифоқчи давлатларга айлана олди. Минтақага ташқаридан тикиштиришга қаратилган айрим деструктив ҳаракатлар уларни

тегишли чора-тадбирларни дастуридан чикшишга, муайян ислохотлар дастурларини амалга оширишга даъват этди. Боз устига, миллий манфаатлар устуворлиги ва ўз суверенитетларини сақлаб қолишга интилиш Кўрфаз араб давлатларини янада жиҳтлашишга ундади. Аъзо мамлакатларнинг бир-бири билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдорлиги олдинда турган қаҳриқларни ҳал қилиш имконини берди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг муштарак кадрият ва урф-одатлар, ягона дин чамбарчас боғлаб турадиган Кўрфаз араб давлатлари билан муносабатларида жиддий ижобий ўзгаришлар юз беряпти. Олий ва юқори даражадаги ўзаро бордикелдилар кўпайди.

18-19 июль кунлари Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг тақлифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлиши, Жидда шаҳрида "Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши" форматидаги биринчи саммитдаги иштироки ва Саудия расмийлари билан олиб борган мулоқотлари ўзаро ишончга асосланган муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЭКСПОРТ ВА САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТГА БАҒИШЛАНГАН БИЗНЕС ФОРУМИ

Америка Қўшма Штатларининг Пенсильвания штатидаги Честер округида жойлашган Халқаро алоқалар кенгаши марказида Ўзбекистоннинг экспорт ва инвестиция салоҳиятига бағишланган бизнес форуми бўлиб ўтди.

Биз ва жаҳон

Унда Пенсильвания глобал бизнес маслаҳатчилари кенгаши (Pennsylvania Global Business Advisors) аъзолари, ушбу штатнинг иқтисодий ривожланган ҳудудларидан бири — Честер округи ишбилармон доиралари, хусусан, "Lockheed Martin", "Fulton Bank", "Biotechnology Innovation Organization" сингари муассасалари, Америка — Болгария тадбиркорлар уюшмаси, "Worldupstart" консалтинг фирмаси, Фарбий Честер университети ва

бошқа бир қатор ташкилот ва корхоналар вакиллари қатнашди. Анжуман аввалида янги Ўзбекистоннинг устувор вазифалари, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш, халқаро савдо алоқаларини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, давлат активларини хусусийлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот ва ўзгаришларнинг асосий жиҳатлари, мамлакатимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти ҳақида батафсил маълумотлар тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Ў.А.

КЎРФАЗ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ — УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МИНТАҚАСИ

Зеро, улкан иқтисодий, табиий ва интеллектуал ресурсларга эга, глобал барқарорлик ва энергетик хавфсизлини таъминлашдаги ўрни бекиёс бўлган Кўрфаз давлатлари билан Ўзбекистоннинг алоқалари янги босқичга кўтарилгани — юртимизда бу мамлакатлар етакчи компания ва банклар билан амалга оширилаётган, қиймати 20 миллиард доллардан ортиқ умумий лойиҳалар тараққиётига бекиёс улуш бўлиб қўшилишига шубҳа йўқ.

Манфаатли таклифлар, доллар, ташаббуслар

Давлатимиз раҳбарининг ҳар доимидек, бу саммитда ҳам манфаатли, барча учун фойдали бўлган қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сургани эътиборга моликдир. Аввало, Президентимиз сиёсий соҳада кенг қамровли алоқаларни турли форматларда ривожлантириш гоёсини ўртага ташлади. Бунинг учун Дўстлик, минтақаларо боғлиқлик ва ҳамкорлик битимини ишлаб чиқиш масаласини биргаликда ўрганиш таклифи билдирилди. Бу эса халқаро майдонда энг муҳим воқеа-ҳодисалар бўйича икки минтақа давлатларининг позицияларини яқинлаштириш имконини беради.

Бугунги иқтисодий тараққиётни юқори технологиялар ва инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Биз дунё давлатлари билан инновациялар, сунъий интеллект, “яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, нано ва биотехнологиялар соҳаларида ҳамкорликка интиляймиз. Кўрфаз мамлакатларида бу борада улкан салоҳият ва имкониятлар бор. Давлатимиз раҳбари бунинг учун ҳамкорлик платформалари ва ишчи механизмларини яратишни, шу муносабат билан мамлакатларимиз бизнес вакиллари иштирокида Қўшма инвесторлар кенгашини таъсис этиш ва унинг дастлабки йиғилишини Самарқандда ўтказишни таклиф қилди.

Ўзбекистон Кўрфазнинг Саудия Арабистони ва БАА каби салоҳиятли давлатлари билан “яшил” энергетика лойиҳаларини биргаликда амалга оширишдан манфаатдор. Бугунги кунда мамлакатимизда “ACWA Power”, “Masdar”, “Mubadala”, “TACA”, “Nebras Power” каби етакчи компаниялар билан умумий қуввати 15 гигаваттдан ортиқ қувват ва шомол станцияларини барпо этиш ҳамда энергияни сақлаш лойиҳалари амалга оширилаётгани, августдан эса Саудия Арабистони билан “яшил” водородни ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳани бошлаш кутилаётгани фикримизнинг яққол исботидир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида савдо ва транспорт боғлиқлигини кучайтиришни таклиф этди. Бу бе-

жиз эмас. Кўрфаз давлатлари билан эркин савдо режимини жорий қилсак, техник регламентларни уйғунлаштириш ва электрон тижоратни ривожлантиришга эришсак, бундан ҳар икки томон ҳам ютади. Минтақамиз давлатлари учун янги бозорлар очилади. Ўз навбатида, Кўрфаз мамлакатлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун Марказий Осиёдан органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилишидан манфаатдор. Савдо-сотиқ кенгайишида эса транспорт йўлакларини муҳим ўрин тутди. Президентимиз транспорт ва транзит соҳасида Ўрта транспорт коридорида энг мақбул тарифларни қўллаш, мавжуд мультимодал йўлақлардан кенг фойдаланиш ва тўғридан-тўғри авиақатновларни мақсадли субсидиялаш ёрдамида кўпайтиришни таклиф қилди. Кўрфаз давлатларини энг яқин ва қулай йўл орқали минтақамиз билан боғлайдиган Трансафгон темир йўлини қуриш стратегик лойиҳасида фаол иштирок этишга чақирди. Чунки ушбу йўл транспорт харажатлари ва юкларни етказиб бериш мuddатларини икки баробар қисқартириш имконини яратади.

Халқаро майдонда экологиянинг бузилиши, иқлим ўзгариши, ерларнинг чўлланиши ва деградацияси жуда кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан. Мазкур муаммо Марказий Осиёга ҳам, Кўрфаз давлатларига ҳам бегона эмас. Шунинг учун ҳар икки минтақада экологияни асраш учун жиддий чора-тадбирлар кўриляпти. Глобал иқлим саммити бу йил Дубайда бўлиб ўтиши Кўрфаз давлатлари мазкур йўналишда эришаётган ютуқларнинг халқаро эътирофи ҳисобланади. Шунингдек, Саудия Арабистонининг “Яқин Шарқ яшил ташаббуси” минтақа экологик тизимини тубдан яхшилашга салмоқли ҳисса қўшаётгани таҳсинга сазовор. Ўзбекистонда эса Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети очилаётгани эътиборга молик. Шунинг учун давлатимиз раҳбари унинг негизини биргаликда халқаро тадқиқотлар дастурини тайёрлаш таклифини илгари сурди.

Бугун мамлакатлар иқтисодиётини жадал ривожлантиришда сайёҳлик алоҳида ўрин тутди. Бу етакчи соҳалардан бири эканлиги дунё соҳавий олимлари томонидан исботлаб берилган ва изоҳ талаб қилмайдиган ҳаёт ҳақиқатидир. Бугунги кунда иқтисодиётни раванг топган Швейцария, Туркия сингари давлатлар ҳаётига эътибор берадиган бўлсак, сайёҳлик ана шу мамлакатлар иқтисодий кудратининг асосий манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ва бошқа салоҳиятли, сайёҳлар эътиборини ўзига тортадиган жозибдор масканларимиз бор ва туристлар оқимини кўпайтириш учун дадил қадамлар ташланмоқда. Кўрфаздан

сайёҳлар сонини ошириш мақсадида Ўзбекистон бу давлатлар аҳолисига визасиз тартибни жорий этган. Президент Шавкат Мирзиёев “Кўрфаз — Марказий Осиё” ягона визасиз сайёҳлик маконини ва туристлар учун мўлжалланган замонавий кластерларни яратиш, қўшма туристик маҳсулотларни кўпайтириш, минтақаларимиз етакчи сайёҳлик операторлари форумини 2024 йилда Ислон дунёсининг туризм пойтахти деб эълон қилинган Хива шаҳрида ўтказиш, гуманитар йўналишда миллий маданият ҳафталиклари, маданий мерос кўргазмаларини ташкил этиш таклифларини илгари сурдики, бу орқали ҳам туризмни ривожлантириш, ҳам биродар халқларимизни яқинлаштириш имконияти яратилади.

битим имзоланган эди. Айтиш жоизки, тинч Афғонистон Марказий Осиё мамлакатларига денгиз коммуникацияларидан фойдаланиш имконини беради, транспорт йўлақларини диверсификация қилади ва шу орқали маҳсулотларни экспортга чиқариш учун янги бозорларни очди. Бу эса ҳар икки минтақадаги давлатларимизнинг манфаатларига тўла мос келади.

Ўзаро чамбарчас тарих ва ёруғ истиқбол

Шу ўринда Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши тарихи, бирлашманинг тузилишига сабаб бўлган омиллалар ва эришган ютуқ-

“Бугунги иқтисодий тараққиётни юқори технологиялар ва инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Биз дунё давлатлари билан инновациялар, сунъий интеллект, “яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, нано ва биотехнологиялар соҳаларида ҳамкорликка интиляймиз. Кўрфаз мамлакатларида бу борада улкан салоҳият ва имкониятлар бор. Давлатимиз раҳбари бунинг учун ҳамкорлик платформалари ва ишчи механизмларини яратишни, шу муносабат билан мамлакатларимиз бизнес вакиллари иштирокида Қўшма инвесторлар кенгашини таъсис этиш ва унинг дастлабки йиғилишини Самарқандда ўтказишни таклиф қилди.

Ўзбекистон Президенти барча нуфузли халқаро минбарларда, минтақавий тадбир, учрашув ва саммитларда жафоқаш Афғонистон мавзусини, терроризм, экстремизм, радикализм ва наркотрафика қарши курашиш, ёшларимизни бу каби хавф-хатарлардан асраш масалаларини кўтарди. Бу сафарги саммит ҳам бундан холи бўлмади. Президентимиз Марказий Осиё ва Кўрфаз араб давлатлари раҳбарлари диққатини Афғонистон муаммосига қаратди. Зеро, бу юрда тинчлик ўрнатмасдан, нафақат минтақамиз, балки глобал хавфсизликни ҳам таъминлаш мумкин эмас. Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, бизнинг минтақаларимиз ташаббуслор бўлиб, катта-катта минбарлардан Афғонистон муаммоларига бутун дунё эътиборини жалб этиши, афғон халқи ҳаётини энгил қилишга муносиб ҳисса қўшишимиз керак.

Кези келганда айтиш жоизки, айнан Ўзбекистон ва Кўрфазнинг нуфузли давлатларидан бири Катар саъй-ҳаракати билан 2020 йил 29 февралда Доха шаҳри (Қатар)да Америка Қўшма Штатлари ва “Толибон” ҳаракати ўртасида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича

ларига назар ташлаш фойдадан холи бўлмайди. КАДҲҚ — Бахрайн, Қатар, БАА, Кувейт, Умон ва Саудия Арабистонини ўзига жалган минтақавий ташкилот. У ривожланиб боради сари Яқин Шарқдаги кучлар балансининг ўзгаришига кўпроқ таъсир кўрсатиши, муҳим минтақавий муаммолар бўйича қарор қабул қилишда фаол иштирок эта бошлади. Унинг таъсири охири бора экан, минтақавий муносабатлар тизимида ҳам мустақил ўйинчи сифатида шаклланди.

Бундан ташқари, мазкур бирлашманинг аъзо давлатлари араб геосиёсий маконда етакчи факторга, катта сиёсий ва иқтисодий вазнга эга бўлди. Бу уларнинг тезкор ижтимоий-иқтисодий трансформацияси билан, сезиларли энергетик ресурслари, шунингдек, сиёсий барқарорлиги эвазига бошқа араб давлатларига нисбатан юқори иқтисодий тараққиётга эришганлиги билан боғлиқ, десак, янглишмаган бўламиз. КАДҲҚ фаолияти доирасида аъзо мамлакатлар қўшма интилишлар орқали хавфсизлик тизимини қура билишди, араб дунёсининг муҳим муаммолари бўйича ўз позицияларини



белгиланган, манфаатларини ҳимоя қилиш ва минтақавий муносабатлар тизимида ролини ошириш орқали мождорларга барҳам беришда иштирок этишди.

Кенгашининг пайдо бўлишига дунё ва минтақадаги вазиятнинг кескинлашиши, глобал қарама-қаршилик фондида ўз мустақилликлари ва суверенитетини сақлаб қолиш, иқтисодий фаровонликка эришиш омиллари сабаб бўлган. Энг асосийси, ташкил топган пайтда кенгаш аъзолари бўлмиш давлатларнинг сиёсий тизимидаги тафовутлар сезиларли эди. Ҳар бирининг ўзига хослигига қарамай, давлатлар тил топиша олди.

Ташкилот низомига мувофиқ, унинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат: иштирокчи давлатларни яқинлаштириш ва бирлаштириш йўлида барча соҳада мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш, халқлар ўртасида ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш ва мустақамлаш, молиявий-иқтисодий, савдо, божхона масалалари, алоқа, таълим ва маданият, ижтимоий соҳа ва соғлиқни сақлаш, ахборот ва туризм, қонунчилик ва маъмурий масалаларда муносабатларни чуқурлаштириш.

Кенгаш ўз олдида иқтисодиёт ва молия, хавфсизлик ва умумий мудоаа сиёсати йўналишларида интеграцияга эришишни мақсад қилиб қўйган. Биргаликда олиб борилган ишларнинг биринчи натижаси Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг (1981 йил сентябрь) тузилиши бўлди. Унда Божхона иттифоқи негизда иқтисодий интеграцияга босқичма-босқич эришиш, ягона иқтисодий макон ва ягона валюта яратиш назарда тутилган. Ушбу шартноманинг мақсадлари аста-секин амалга оширилди. Бирлашмага аъзо давлатлар фуқароларининг ушбу маконда эркин ҳаракатланиши, яшаши, меҳнат қилиши, иқтисодий фаолият ва капитал

ҳаракати эркинлигини таъминлаш, шунингдек, мулк, мерос ва васият ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича келишувлар тузилди. Бу чора-тадбирлар ўтган асрнинг 90-йиллари охириларида амалга оширилди.

2001 йилда Божхона иттифоқини яратишни назарда тутувчи иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида янги шартнома тузилди. Аста-секин бу қарор тўлиқ бўлмаса-да, амалга оширилди. Қонунчиликнинг тартибга солиниши бу йўлда муҳим қадам бўлди. Божхона иттифоқини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар туфайли Ўзаро товар айирбошлаш кўпайди. Биргина 2003 — 2017 йилларда аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдо операциялари ҳажми 6 млрд. доллардан 133 млрд. долларгача ошган. Ягона электр тармоғи ва транспорт: автомобиль ва темир йўлларни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Маскатдан Кувайтга (2200 чақиримлик) бўлган ягона темир йўл тармоғи барпо этилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорликнинг ютуқларидан яна бири, биринчи навбатда, саннатда қўшма корхоналар ташкил этилгани бўлди. Бу соҳада инвестицияларни сезиларли даражада кўпайтириш ва 2020 йилда 1 триллион доллар даражасига етказиш имконини берди. Аъзо давлатларнинг ягона бозор лойиҳасини амалга ошириш доирасида нафақат йирик, балки ўрта ва кичик хусусий сектор корхоналари ўртасида ҳам ҳамкорликни фаоллаштириш режалари ишлаб чиқилди. Ҳамкорлик кенгашига аъзо давлатлар Савдо-саннат палаталарини иттифонининг ташкил этилгани ушбу мақсадга эришишга хизмат қилмоқда.

КАДҲҚнинг минтақадаги хавфсизлик ва сиёсий жараёнларга муносабати ҳам олдинга нисбатан бирмунча фаоллашган. Сурия, Ливия ва Ямандаги мождорларга чек қўйиш бўйича ўз позициясига эга. Ҳамкорлик кенгашининг эришган ютуқларидан бири — бу минтақавий бирлашмага аъзо давлатлар ўртасидаги ҳудудий низоларнинг ҳал этилиши бўлди. Аъзо давлатларнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳарбий ва хавфсизлик соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, аъзо давлатларни ташқаридан уюштирилиши мумкин бўлган ҳужумлардан муҳофаза этиш мавзулари ҳам ташкилот кун тартибидан тушмайди.

Конгратбой ШАРИПОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори.

ИШОНЧЛИ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИК

Марказий Осиё ва Кўрфаз минтақаси халқларини азалдан яқин савдо алоқалари, муштарак қадрият ва урф-одатлар, энг муҳими, муқаддас ислом динимиз боғлаб туради. Бу яқинлик асрлар оша фан, маданият, маърифат ва бошқа соҳаларда бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганки, буни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Кўрфаз араб давлатлари — Марказий Осиё олий даражадаги биринчи саммитидаги иштирокида ҳам яққол кўриш мумкин.



Акс садо

Таъкидлаш жоизки, ушбу саммит ўзаро дўстлик ришталарини янада мустақамлашга ҳуқуқий асос яратди. Президентимиз саммитдаги нутқида Ўзбекистоннинг Кўрфаз мамлакатлари билан алоқалари янги босқичга кўтарилганини мамнуният билан таъкидлаб, бугунги кунда юртимизда етакчи компания ва банклар билан амалга оширилаётган умумий лойиҳалар портфели 20 миллиард доллардан ортиганини эътироф этди. Шунингдек, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини 5 та йўналиш бўйича ривожлантириш таклифини илгари сурди.

— туризм соҳаси, яъни Кўрфаздан сайёҳлар сонини кўпайтириш мақсадида бу давлатлар аҳолисига визасиз тартибни жорий этишга қаратилди.

Шу ўринда, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг драйвери сифатида ривожлантирилаётган туризм соҳасига тўхталиб ўтсак.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда туризм соҳаси мамлакат иқтисодиётига катта ҳисса қўшадиган тармоқлардан бирига айланиб улгурди. Буни диёримизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларига хоржий сайёҳлар оқимининг йилдан-йилга охири бораётганлигида ҳам кузатиш мумкин. Шу боис ҳам Президентимиз ушбу соҳага бежиз эътибор қаратиб ўтмади.

Давлатимиз раҳбари “Кўрфаз — Марказий Осиё” ягона визасиз сайёҳлик маконини ва туристлар учун мўлжалланган замонавий кластерларни яратиш, қўшма туристик маҳсулотларни кўпайтириш аниқ мuddао бўлишини қайд этди.

Бундан ташқари, минтақаларимиз етакчи сайёҳлик операторлари форумини 2024 йилда Ислон дунёсининг туризм пойтахти деб эълон қилинган Хива шаҳрида ўтказиш таклиф этилди. Шунингдек, гуманитар йўналишда давлатларимизда миллий маданият ҳафталиклари, маданий мерос кўргазмаларини уюштириш орқали биродар халқларимизни янада яқинлаштириш ҳақида фикр билдирилди. Чунки ҳозир Ўзбекистонда юз мингдан зиёд ноидир кўлбемалар сақланмоқда. Бу йўналишда Умон Султонилиги кўмағида пойтахтимизда йирик лойиҳа амалга оширилганини қувонарлиқдир.

Биз, депутатлар Кўрфаз араб давлатлари — Марказий Осиё олий даражадаги биринчи саммитида қабул қилинган ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилишида ўз ҳиссамизни қўшамиз ва кейинги саммит мамлакатимизда ўтказилишини қўллаб-қувватлаймиз.

Дилбар УСМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ЭКСПОРТ ВА САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТГА БАФИШЛАНГАН БИЗНЕС ФОРУМИ

Айни чоғда юртимизда хоржий бизнес вакилларининг иштирокини кенгайтириш, қулай шароитлар яратиш, иш ўринларини кўпайтириш, Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги савдо-саноат маркази сифатида ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлиб ўтган музокаралар чоғида мамлакатимиз ва Пенсильвания штати ўртасида тадбиркорлик муносабатларини ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, биотехнологиялар ва “яшил” энергия соҳасида АҚШнинг илгор тажрибасини ўрганиш ва жорий қилиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мавжуд алоқаларни кенгайтириш масалалари асосий мавзу бўлди.

Честер округи ишбилармон доиралари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга юқори баҳо беришар экан, мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш ҳамда бизнес имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ишлар ва кузатилаётган ривожланиш динамикаси Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик борасидаги муваффақиятидан далолат беришини алоҳида таъкидладилар.

Жумладан, минтақанинг иқтисодий салоҳияти ва ҳамкорлик нуқталари ҳақида тўхталиниб, қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари ва уларни қадоқлашнинг илгор технологияларини Ўзбекистонда жорий қилиш истиқболли йўналишлардан бири эканлиги айтилди. Хусусан, Честер округи иқтисодий ривожланиш кенгаши президенти Майк Григалониснинг сўзларига кўра, ушбу ҳудудда АҚШнинг 50 фоиз кўзиқорин маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналари жойлашган бўлиб, улар Ўзбекистонда кўзиқорин етштиришни йўлга қўйиш ва уни мамлакатимиз ҳамда таъши бозорларда сотишга қизиқиш билдирмоқда. Тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Майк Григалонис ушбу масалани биргаликда ишлаб чиқишни таклиф қилди.

Ўз навбатида, АҚШдаги Америка — Болгария тадбиркорлар уюшмаси президенти Элиз Несторов мамлакатимизда тўқимачилик саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларни эътироф этиб, Ўзбекистоннинг тайёр трикотаж маҳсулотлари АҚШ чакана савдо брендлари орасида рақобатбардosh бўла олишини билдирди. У уюшма аъзолари ва АҚШдаги ҳамкорлар, шу жумладан, “Michael Kors” бренди билан биргаликда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган энгил саннат маҳсулотларини экспорт қилиш масаласи билан шуғулланишига тайёр эканлигини билдирди.

Бизнес форуми давомида АҚШнинг “Biotechnology Innovation Organization” (BIO)



ташкilotи вакили Ўзбекистон ва Евроосиё минтақаси истиқболли бозор эканини алоҳида таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, “BIO” Қўшма Штатларда ва дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида 1100 дан зиёд биотехнология фирмаларига, тадқиқот мактаблари, давлат биотехнология марказлари ва тегишли уюшмаларга хизмат кўрсатади. Мавжуд иқтисодий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ташкилот вакили биотехнология соҳасидаги сўнгги инновация ва янгиликларни Ўзбекистонга олиб кириш ҳамда юртимизда ташкилот аъзоларининг ваколатхонасини очилиши таклиф этди.

Барқарор электроникани қайта ишлаш ва “яшил” энергия соҳасида фаолият юритувчи “Sycamore International”

компаниясининг асосчиси ва директори Стиве Фиггатт мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилган кенг ўлчамли ислохотлар ва келажақдаги режалар алоҳида эътиборга лойиқ эканини билдирди. У Ўзбекистонда ўз технологияларини олиб кириш орқали Марказий Осиё бозорига чиқишга катта қизиқиш билдираётганини маълум қилди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, Честер округи Пенсильвания штатининг юқори сурь-атларда ривожланиб бораётган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Хусусан, округ Пенсильвания штатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда иккинчи ўринни, таълим соҳасида биринчи ўринни эгаллайди.

«Дунё» АА. АҚШ

Энергетика

ИЛК БОР ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ГЭСЛАР ҚУРИЛАДИ

Электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларидан ва бу борада мавжуд сув салоҳиятидан самарали фойдаланиб, кичик ва ўрта қувватдаги ГЭСларни ишга тушириш соҳадаги излашларнинг муҳим ечимидир. Янги ГЭСларнинг давлат-хусусий шериклик тамойили асосида қурилиши эса инвесторларга кенг имкониятлар яратиб беради.

Президентимизнинг тегишли Фармонида кўра, "Ўзбекгидроэнерго" АЖ буюртмачи сифатида ташаббусни ўз зиммасига олиши белгиланган. У ушбу лойиҳалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишига бошчилик қилади ҳамда уларнинг назоратини олиб боради. — Бунда инвесторларнинг кенг жалб қилиш мақсадида Ўзбекистонда биринчи бор давлат-хусусий шериклик асосида умумий қуввати 46,6 МВт, йиллик ўртача ишлаб чиқариши 179 миллион кВт/соат ва умумий қиймати 106,9 миллион доллар бўлган 5 та — "Қизилдарё", "Сувлисой", "Ду-кентсой", "Қамчиқ" ва "Қуйи Кўксув ГЭС" лойиҳалари ягона лот сифатида малака сўрови тендерига қўйилади, — дейди "Ўзбекгидроэнерго" АЖнинг Истикболли ривожлантириш бошқармаси бошлиги Жавоҳир Жўраев. — Давлат-хусусий шериклик асосида қурилиш режалаштирилган ГЭСларга Жаҳон банки томонидан "Институционал салоҳиятни ошириш" грант маблағлари ҳисобидан юқори тажрибага эга хорижий маслаҳатчилар йўлланди.

Хамда ушбу компаниялар билан шартнома имзоланди. Мазкур компаниялар лойиҳа ҳужжатларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича иш олиб боради. Таъкидлаш жоизки, тендерлар ягона лот орқали қўйилиши лойиҳаларнинг амалга оширилишини соддалаштириб, жараёнларни оптимallashtиради ҳамда самардорлик ва шаффофликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Лойиҳаларнинг узок муддатли молиявий барқарорлиги ва ҳаётийлигини таъминлашда, табиий ресурслардан тўлиқ фойдаланган ҳолда энг юқори муҳандислик стандартлари асосида ишлаб чиқилишида, қурилиш жараёнининг барча жиҳатини ҳуқуқий тартибга солишда хорижий компанияларнинг тажрибасидан фойдаланиш инвесторларнинг фаолиятини кафолатлашга хизмат қилади. "Ўзбекгидроэнерго" АЖ буюртмачи сифатида барча манфаатдор маҳаллий ва хорижий инвесторларни тендер савдоларида фаол иштирок этишга таклиф қилади. Тендер савдолари жорий йилнинг август ойида лотга қўйилиши режалаштирилган. Жараёнлар ҳусусида жамиятнинг расмий саҳифалари орқали тўлиқ маълумот бериб борилади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»)

Архив ҳужжатлари рақамлаштирилмоқда

Пойтахтимизда "2023 йил 1 ярим йиллиги давомида "Ўзархив" агентлиги тизимида амалга оширилган ишлар" мавзусида анжуман ўтказилди. Унда Ўзбекистон миллий архивлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Анжуман

Анжуман давомида "Ўзархив" агентлиги томонидан сўнгги 6 ой мобайнида бажарилган ишлар ҳақида маълумот берилди. — Утган ярим йилликда Ўзбекистон миллий ҳақида республика давлат архивлари томонидан жами 957,2 минг сақлов бирлигидаги 61,0 млн. кадр рақамлаштирилди, — деди агентлик директори Улугбек Юсупов. — "Давлат архивларида рақамлаштирилган ҳужжатларнинг ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш" ахборот тизимига жорий йил 1 июль ҳолатига қўра архивлар томонидан жами 48 минг фонд, 46 мингдан зиёд рўйхатлар ва 524 мингдан ошқ сақлов бирликлари,

199 мингга яқин ҳужжатлар киритилди. Утган давр мобайнида архив хизматларини кўрсатиш, тадқиқотчилар учун электрон тизимларни жорий этиш ва қўлайликлар яратиш мақсадида бу йил 2 та тизим ишга туширилди. Айни кунларда "Ўзархив" агентлиги томонидан янги режалар устида иш олиб боришмоқда. Мақсадимиз халқимиз учун манбаларни сифатли, тезкор етказиб беришидир. Бу йилда бор имкониятни ишга солиб меҳнат қиламиз, албатта. Анжуман якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга масъуллардан жавоб олишди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»)

ҚАЛДИРҒОЧЛАРГА БЕР

АЙВОНЛАРИНИ!

Хар баҳорда қалдирғочлар узок ўлкалардан учиб келиб, ўзи ўтган йили ин қурган айвонни адашмай топади. Уй эгаси ҳам қалдирғочлар келишини, шу ерда полапонларини қоқиб, учирма қилишини интизорлик билан кутади. Чунки қалдирғоч ин қурган уйга барака инади. Қушлар ҳам уй соҳибидан ҳайқмайди, қанотларини пириллатганича ёнгинасидан учиб, гўёки унга миннатдорлик билдираётгандай тинмай "вижир-вижир" қилади... Айни ёз чилласида нега баҳорни, кўклар дарақчилари қалдирғочларни эслаб қолдик? Сабаби, кейинги пайларда қанотли дўстларимиз билан "муносабат"ларимиз анчайин ёмонлашиб бораётгандек: қалдирғочлар ин қурадиган айвонлар ўрнини ёпиқ ва қорайтирилган ойналар билан ўралган иморатлар эгаллаб борапти. Нафақат қалдирғочларнинг, балки бошқа қушларнинг ҳам яшashi, эркин учиб-қўниши учун ошёнлар камёб бўлиб бормоқда. Ҳўш, табиат билан инсон ўртасидаги узвийликка дарз етмаслиги учун нима қилишимиз лозим?



мавжудлиги аниқланган. Шулардан 24 тури Ўзбекистон "Қизил китоби"га киритилган. Қушларнинг умумий сони 597 мингдан зиёдроқни ташкил этади. Мамлакатимиз орнитофаунасида эса жами 22 туркумга оид 478 та тур вақиллари учрайди. Маълумотларга кўра, қушларни муҳофаза қилиш масаласи аллақандай долзарб экологик муаммолардан бирига айланиб улгурган. Дунёда 10 мингга яқин қуш турларидан 1 минг 200 дан ортиги ёки қушларнинг ҳар саккизинчи тури Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг "Қизил рўйхати"га киритилган. Орнитологларнинг оғохлантиришича, агар ерда қушлар йўқ бўлиб кетса, экологик фалокат юз бериши мумкин. Яъни ўсимликларни чанглатиш ва ҳашаротлар қўлайишининг олдини олиш борасида янги муаммолар юзага келади. Сирасини айтганда эса бугун шаҳар-озолик жараёнининг жадаллаштириши натижасида миллионлаб дарахтлар кесиб ташланаётгани бор гап. Оқибатда қушлар макон курайдиган "маскан"лар сони камайиб, уларнинг йўқолиб кетиши хавфи ортмоқда.

Табиат ва биз

Мувозанат занжири

Пойтахтимизнинг "Космонавтлар" метро бекати ёнидаги хиёбонда узок йиллик дарахтлар сақланиб қолган ва бу маскан балка ҳамда сўлимлиги боис хамишга гавжум. Энг қувонарлиси эса мазкур масканда қабутларлар жуда кўп ва улар ерга тушиб, одамлар қўлидан ҳўрак ейди. Қанотли дўстларимиз ҳисобланган бу паррандалар одамлардан ҳайқмай улар билан гўё "мулоқот"га киришади, кекса ва ёш қуш ишқибозлари ташлаган ушқоқларни бир-биридан қизганиб чўкишади. Одамлар ва қушлар ўртасидаги бу илиқ муносабат табиат уйғунлигини акс эттиради, шундай эмасми? Қушлар бизнинг дўстимиз, улар билан қанча иноқлашсак, табиати, атроф-муҳитни шунча асраган бўламиз. Аммо, афсуски, Тошкент шаҳрида бундай қушлар ошён қурган масканлар бармоқ билан санарли. Чунки қушлар дарахтзор билан, ашиқ табиат билан тирик. Кейинги пайларда яшиллик ўрнини осмонўпар бинолар эгаллагани боис қушларнинг кўплаган тури шаҳарни тарк этгани ҳам бор гап. Қушларнинг, айниқса, чумчуқларнинг камайиб кетиши экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келиши табиий ҳол. Чунки барча жонзоту ўсимликлар оламнинг ўз вазифаси ва ўрни бор.

Тошкент шаҳрини чумчуқлар тарк этгани ҳақида одамлар орасида гап-сўзлар юрибди. Ҳақиқатда шаҳарни айланиб бирор та чумчуқни учратмадик. "Тошкентнинг домини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келади" деган гап шаҳар дарахтлар билан бурканган, ҳавоси тоза ва мусаффо бўлган пайтда айтилган эканда деган ҳаёлга борасан, киши. Башарти гап чумчуқлар ҳақида кетар экан, кўпинча уни одамлар узум ва галла майдонларига зарар етказувчи қуш сифатида билишади. Аслида эса чумчуқ фақат экин билан эмас, балки зараркунанда ҳашаротлар билан ҳам озикланади. Утган асрда чумчуқларга қирон келтириш оқибатида очарчилик юзага келган Хитой мамлакатини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. 1958 йилда Хитойда бугўдой хосилини асраш мақсадида чумчуқларга қарши аёвсиз кураш бошланган эди. Ушанда бутун Хитой бўйлаб қарийб 2 миллиард дона чумчуқ овлангани ҳақида маълумотлар бор. Охири йўланмай қилинган бу иш табиатдаги мувозанатни бузди. Оқибатда Хитой далалари ҳашаротларга тўлиб, ҳосил аввалги йилдагига қараганда бир неча баробарга камайди ва очарчилик бошланди. Ҳукумат хатосини йиллар давомида тўғрилай олмади. Фақат бошқа давлатлардан чумчуқлар келтирилиб, далаларга қўйиб обдорилганидан сўнг вазият аста-секин ўнгланди... Кўрпясизми, қушларга озор беришини оқибати қандай кўнгилсизликларга олиб келишини? Шунинг учун табиат мувозанати занжири узилишига ҳеч қачон йўл қўймаслик керак. — Тошкент шаҳрида чумчуқларнинг камайиб, кўринмай қолаётганига биргина сабабни кўрсатиш жуда қийин, — дейди Атроф-муҳит ва табиати муҳо-

Беминнат ва бехаражат кўмакчи

Швейцариядаги Базель уни-верситети илмий ходими Мартин Невелернинг олиб борган тадқиқоти натижаларига кўра, дунё бўйича барча қанотли дўстларимиз хар йили 400 — 500 миллион тонна ҳашарот ейди. Яъни улар бир йил давомида шунча тонна оғирликка тенг кўнгиз, пашша, чивин, чумоли, суварак ва бошқа зараркунандалар билан озикланади. Энди айтинг, ахир шунча зараркунандани кимёвий йўл билан ўлдиришнинг ўзи бўладими?



Қолаверса, кимёвий усул нафақат зараркунандаларни йўқ қилади, балки инсон саломатлиги учун ҳам жиддий хавф тўғдириши бор гап. Кўрпясизми, қушлар беминнат, бехаражат кўмакчи. Аммо эътиборсизлик оқибатида қушлар тобора камайиб бораётгани ачинарлидир. Мана, бир мисол. 1970 йилдан буён АҚШ ва Канада 3 миллиард қушни йўқотди. Уларнинг сони камайиб боришига айнан зараркунанда ҳашаротларга қарши қўлланган захарли кимёвий дорилар сабаб бўлмоқда. Дори сепилаётган майдонларда турли ҳашаротлар, курт-кумурсқалар, чивинлар, бошқа майда жонзотлар тамоман йўқолиб бормоқда. Мутахассисларнинг зараркунанда ҳашаротларга қарши қўлланган захарли кимёвий дорилар ва биологик воситалардан фойдаланиш борасида фермерларга қарата бонг уришлари, яъни қақирқилари ҳозирча жавобсиз қолмоқда.

Тан олиш керак, Ўзбекистонда ҳам 24 турдаги ноёб қушлар йўқолиб кетиш арасида. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан "Ўзбекистон Республикаси очик сув ҳавзаларида кишлайдиган сув қушларининг сонини аниқлаш ва уларни муҳофаза қилиш" лойиҳасининг амалга оширилаётгани кўнгилга таскин беради. Утган йили лойиҳа доирасида тадқиқотлар олиб борилиб, республикамизнинг 49 та очик сув ҳавзасида 111 турдаги қушлар

Камёб қушлар: ким учундир кадоб

Миттигина беозор жонивордан таом тайёрланган ва шундай пиширилган сотидаги ошнолар борлигига бир қарашда ақл бовар қилмасайди, деган хавотиримиз ҳам йўқ эмас. Бу кетишда Юсуф Хос Ҳожиқ тасвирдаги қушларни келажак авлод музейлардаги томоша қилиб қолмасайди, деган хавотиримиз ҳам йўқ эмас.

Камёб қушлар: ким учундир кадоб

Миттигина беозор жонивордан таом тайёрланган ва шундай пиширилган сотидаги ошнолар борлигига бир қарашда ақл бовар қилмасайди, деган хавотиримиз ҳам йўқ эмас. Бу кетишда Юсуф Хос Ҳожиқ тасвирдаги қушларни келажак авлод музейлардаги томоша қилиб қолмасайди, деган хавотиримиз ҳам йўқ эмас.

...Олис тумандан қайтарканмиз, бехос автомобиль ойнасига бир қуш келиб урилди. Ҳайдовчи дўстим Азамат дарҳол тормозни босди ва жароҳат олган қушни излашга тушди. Бироз ўтиб у қўлида қанотларидан қон сизиб турган қушни олиб келди. Қуш тирик эди, "хайрият омон қолибди" деди у. Орадан бир ҳафтадан кўпроқ вақт ўтган Азамат кўнгирак қилди, кайфияти кўтаринди. — Дўстим, мени табрикла, қушча соғайиб учиб кетди, — деди қувончини яшира олмай. Кўнглимдан қанийди, ҳар бир қалбда қушларга шундай муҳаббат яшаса, деган ўй ўтди...

тақиқланмаган. Бу ҳақда Фарғона вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси Бувайда тумани инспекцияси бош мутахассиси Ахроржон Ниёзовнинг фикрлари билан қизиқдик. — Табиатда яшовчи ёввойи ҳайвонларни овлашга Фарғона вилояти овчилар ва балиқчилар спорт бирлашмасининг Бувайда тумани бўлими томонидан ружаст берилади, — дейди А. Ниёзов. — Туманимизда давлат рўйхатидан ўтган 500 нафар ёки қушларнинг ҳар саккизинчи тури Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг "Қизил рўйхати"га киритилган. Орнитологларнинг оғохлантиришича, агар ерда қушлар йўқ бўлиб кетса, экологик фалокат юз бериши мумкин. Яъни ўсимликларни чанглатиш ва ҳашаротлар қўлайишининг олдини олиш борасида янги муаммолар юзага келади. Сирасини айтганда эса бугун шаҳар-озолик жараёнининг жадаллаштириши натижасида миллионлаб дарахтлар кесиб ташланаётгани бор гап. Оқибатда қушлар макон курайдиган "маскан"лар сони камайиб, уларнинг йўқолиб кетиши хавфи ортмоқда.

Нима бўлганда ҳам, ноёб табиий бойликларни асраб-авайлаш, уларнинг йўқолиб бораётган турларини кўпайтириш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш, инсоннинг табиатга салбий таъсирининг олдини олиш юртимизда амалга оширилаётган экологик ислохотларнинг муҳим йўналишларидан эканлигини ёддан чиқармасак бўлгани.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан яна бир ташаббус илгари сурилгани кўнгилларга таскин беради. Яъни ёшлар ўртасида "Қушларни асрайлик" мавзусида республика танлови ўтказилди. Танлов иштирокчилари қушлар учун энг қийин, қулай ва беҳимрининг қушни буйича беллашди. Мақсад беғубор табиатни, қушларни асраб-авайлашда ҳар бир юрдошимизнинг, айниқса, ёшларнинг фаол иштирок этишига қаратилган. Қушларга муҳим кўрсатишга, табиатга нисбатан эътиборли бўлишга ўргатиш танловнинг бош ғоясидир.

Фохриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»)

“Ўтган йили лойиҳа доирасида тадқиқотлар олиб борилиб, республикамизнинг 49 та очик сув ҳавзасида 111 турдаги қушлар мавжудлиги аниқланган. Шулардан 24 тури Ўзбекистон "Қизил китоби"га киритилган. Қушларнинг умумий сони 597 мингдан зиёдроқни ташкил этади. Мамлакатимиз орнитофаунасида эса жами 22 туркумга оид 478 та тур вақиллари учрайди. Маълумотларга кўра, қушларни муҳофаза қилиш масаласи аллақандай долзарб экологик муаммолардан бирига айланиб улгурган.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўтқир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурлидаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 741. 13 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Газетанинг ҳақиқати маълумотларини оқиб олди учун QR-коднинг телефонини орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 90-371-64-04; Ўзлонлар 90-999-77-65. Ташрифта келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07. МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназар. Мусаҳҳих — Ш. Машраббаев. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.45 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6